

**Камолиддин Бехзод номидаги МРДИ магистратура босқичи
“Дастгохли рангтасвир” ихтисослиги II курс талабаси
Очилов Элмуроднинг “Мен ўқиган даргоҳ” номли мақоласига**

ТАҚРИЗ

Очилов Элмуроднинг “Мен ўқиган даргоҳ” номли мақоласида Камолиддин Бехзод номидаги МРДИ нинг ташкил топишидан то ҳозирги кунга қадар бўлган тарихий тараққиётини ёритишга ҳаракат қилинган. Магистрант ўзи ўқиган бадиий таълим даргоҳининг ўзига ҳослиги, устоз-шогирд анъаналарининг йўлга қўйилганлиги борасидаги мулоҳазаларини баён этган. Институтнинг таркибий тузилиши, мутахассислар тайёрлаш учун таълим даргоҳида яратилган шароитлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтган. Шубҳасиз, бу борада анча-мунча материаллар йиғган ва уни умумлаштиришга ҳаракат қилган. Мақолада эришилган ютуқлар салмоғи анчагина эканлигини эътироф этиш даркор.

Шу билан бирга айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Аксар ҳолларда имловий ҳатоларга йўл қўйилган. Бу магистрантнинг тажрибасизлиги билан боғлиқ. Аммо уларни иш жараёнида бартараф этса бўлади. Мақола тўлиқ қайта кўриб чиқиш шарти билан нашрга тавсия этилади.

с.ф.н. И.Р.Абдурахмонов.

Мен ўқийдиган даргоҳ

Очилов Элмурод

К.Бехзод номидаги Миллий

рассомлик ва дизайн институти магистранти

“Дастгоҳли рангтасвир” мутахасислиги

Аннотация

Ушбу мақолада санъатнинг бугунги кунда тутган бекиес ўрни ва унинг комил инсон тарбиясидаги муҳим омил эканлиги ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, Камолиддин Бехзод номидаги МРДИнинг санъат даргоҳи сифатида ташкил топиши тарихи, ҳозирги вақтда фаолият юритаётган бўлимлари тўғрисида маълумот берилади.

Аннотация

В этой статье обсуждается важное значение искусство в формировании идеального, культурного. Кроме этого, предоставляется информация об истории образования НИХД им. Камолиддина Бехзада как очаг культуры и искусство, а также и его нынешних, существующих отделов.

Annotation

This article discusses the importance of art in the formation of ideal, cultural. In addition, information is provided on the history of education of the Kamoliddin Bekhzad Institute of Fine art and Design as a center of culture and art, as well as its current, existing departments.

Калит сўзлар: Санъат. тарбия, Камолиддин Бехзод номидаги МРДИ, тарихи, бадиий таълим, устоз-шогирд анъанаси

Ключевые слова: искусство, воспитание, НИХД им. Камолиддин Бехзада, образование, традиционное обучение устоз-шогирд

Key words: fine art, training and existing departments of Kamoliddin Bekhzad Institute of Fine art and Design

Санъатнинг тарбиядаги миқёсли ва муҳим роли шундаки, у одамларнинг ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатади, бундай таъсир оқибатида идрок этувчида руҳий эврилишларни вужудга келтиради. Санъат асарини мунтазам идрок этиш орқали инсон бу дунёда мўъжиза борлигига ишониб яшай бошлайди. Бир сўз билан айтганда, санъат руҳни янгилаш қудратига эга. Айни пайтда бу руҳ гўзал ва улуғвор бўлгани боис ниманидир ёқлайди, хунук ва тубанлиги учун ниманидир инкор этади. Ана шу жараёнда санъатнинг инсонни ғоявий жиҳатда тарбиялаши рўй беради: санъат ўзини

эстетик завқ билан идрок этаётган индивиддан ғоя ва идеал хизматига бел боғлаган шахсни яратади¹. Шундай экан, санъатга бўлган муҳаббат, яратувчанликка бўлган иштиёқ талабаларда кенг мушоҳада маданиятини шакллантириб, уларни зиёилик руҳида тарбиялайди ҳамда буюк мақсадлар билан яшашга даъват этади. Улар ҳаёт йўлларида дуч келишлари мумкин бўлган муаммо ва тўсиқларни маънавий-маърифий йўл билан ечишга хизмат қилувчи воситага айланади.

Камолиддин Бехзод номидаги МРДИ ҳам кўпгина бошқа санъат масканлари қаторида кўпдан кўп гўзаллик шайдоси, яратувчанлик ишқибози бўлган талаба ёшларнинг келажакда маънан етук, баркамол, комил инсон бўлиб етишишида муҳим рол ўйнаётган маданият масканларидан биридир. Институт тарихига назар ташлайдиган бўлсак, олий ўқув юрти ҳали ташкил этилганига кўп фурсат бўлмасдан туриб ўз негизида турли қизиқарли йўналишларни бирлаштирган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 январдаги “Ўзбекистон Бадий Академиясини ташкил етиш ҳақидаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 131-сонли Қарорига асосан Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг (ҳозирги Ўзбекистон санъат ва маданият институти) Рассомлик факультети негизида Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ташкил топди. Институтга Шарқ миниатюра мактабига асос солган буюк мусаввир Камолиддин Бехзод номи берилди. Ўтган қисқа вақт оралиғида институтда қатор янги йўналишлар шаклланди, у ўз анъаналарига эга бўлди. Дастлаб “Рангтасвир”, “Амалий санъат, “Графика” таълими йўналиши бўйича мутахассис кадрлар тайёрланган бўлса, кейинчалик, “Санъатшунослик”, 1997 йилдан “Дизайн”, 2001 йилдан “Менежмент”, “Касбий таълим” йўналишлари бўйича бакалавриат босқичида мутахассис кадрлар тайёрланди. 1999 йилдан магистратура босқичида мутахассис кадрлар қабул қилиниши йўлга қўйилиб, 2002 йилдан олий малакали илмий, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш мақсадида аспирантура бўлими,

2010 йилдан катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчилар қабул қилинди¹.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, санъатнинг қандай тури, қандай кўриниши бўлмасин, ёш авлод маънавий тарбиясида, маънан етуклик, комиликка эришишида асосий ижтимоий ва фалсафий категория ҳамда инсоннинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуи сифатида кенг қамровли тушунча бўлиб, баркамол шахсни шакллантиришда, инсоннинг маънавий-маърифий даражасини юксалтиришда унинг ўрни бекиёсдир².

Институтда 4 та факультет (Тасвирий санъат, Амалий санъат, Санъатшунослик, Дизайн) фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда 16 та кафедра (Дастгоҳли рангтасвир, Маҳобатли рангтасвир, Театр беағи рангтасвири, Дастгоҳ ва китоб графикаси, Бадиий кулолчилик ва меъморий ёдгорликлар беағини таъмирлаш, Ҳайкалтарошлик, Реклама ва амалий графика, Чизматасвир, Тасвирий санъат тарихи ва назарияси, Музейшунослик, Либос дизайни, Интеръерни лойиҳалаш, Педагогика ва касбий таълим, Ижтимоий фанлар, Тиллар ва адабиёт, Информатика ва менежмент) ҳамда Малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўлими фаолият кўрсатмоқда³.

Санъатга бўлган эътиборнинг талаба-ёшлар орасида орттирилиши бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, жамият тараққиётида ва шахс камолотида яратувчанликнинг, ижодкорликнинг ўрни ва роли бекиёс ўрин тутади. Зеро, санъат бу маданият бешигини аллаловчи она кабидир. Бугун инсоният тўқнаш келган барча муаммолар ва тўсиқларнинг ечими эса маданиятга бориб тақалмоқда. Маданий тараққиёт инсон маънавий камолотининг асосий кўрсаткичи ҳисобланиб, мамлакат равнақи ҳар бир фуқаронинг онглилигига, уларнинг маданий-тарихий бойликларини яратиш, сақлаш ва ривожлантириш жараёнларига бўлган муносабатларига ҳар томонлама боғлиқдир. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев қайд этганларидек: “Ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва

¹ <http://www.mrdi.uz/institut/institut-tarixi/>

² Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. –Тошкент: Университет, 2009.

³ <http://www.mrdi.uz/institut/institut-tarixi/>

маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори яратувчиси эса ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади”. Таъкидлаш жоизки, маданий-тарихий тараққиёт нихоятда мураккаб ҳисобланиб, унинг ички моҳиятини ҳам моддий, ҳам маънавий маданиятлар ташкил этади. Уларнинг ўзаро алоқасини узвий боғлашда санъатнинг тутган ўрни бекиёсдир⁴.

Бугунги глобаллашув жараёнлари чет эл давлатлари билан ҳар бир соҳада алоқа ўрнатиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланиб бормоқда. Шу сабабли, институтда бугунги кунда Россия, Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон каби давлатлар фуқаролари таҳсил олмоқдалар. Институтда дунёнинг қатор давлатлари (Корея, Хитой, Германия, Озарбайжон, Латвия, Қозоғистон) олий таълим муассасалари билан имзоланган меморандумлар асосида ҳамкорлик алоқалари олиб борилмоқда. Хусусан, профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви амалга оширилмоқда. Шунингдек, институтнинг қатор профессор-ўқитувчилари дунёнинг кўплаб мамлакатлари олий таълим муассасалари маҳорат дарслари ўтиб келмоқдалар, малака оширмоқдалар, шахсий кўргазмаларини ташкил қилмоқдалар. Кўплаб мамлакатларнинг юқори малакали мутахассислари институтда маҳорат дарсларини ўтиши анъанага айланган Институт талабалари турли халқаро ва республика миқёсида ўтказилаётган фестиваллар, танлов-кўргазмалар, фан олимпиадаларида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Улар орасида Зулфия номли давлат мукофоти совриндорлари, Президент ва номдор стипендиялар соҳиблари, “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони эгалари, турли танлов ва фестиваллар ғолиблари бор⁵.

Бугун мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар самарасидан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. Сабаби, барча янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш,

⁴ Аъзамхўжаева Ш. Истиқболнинг маънавий негизи. Бадий маданиятнинг жамиятга таъсирини кучайтириш воситалари. “Ҳаёт ва қонун” журнали. –Тошкент, 2004. - № 5.

⁵ <http://www.mrdi.uz/institut/institut-tarixi/>

иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш, келажак авлод маънавий-ахлоқий онгини шакллантириш жараёнида унинг узвий қисми сифатида бугунги кун талабларига мос тарзда жиҳозланган санъат даргохлари барпо этиш, ёшлар ҳаётида санъатнинг тутган ўрнини юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Санъатнинг қай соҳаси бўлмасин, унинг кенг жамоатчилик орасида тутган ўрни жамиятнинг ёш қатлами вакиллариининг маданий баркамоллиги, маънан етуқлигида муҳим ижтимоий-фалсафий аҳамият касб этади. Зеро, ижодкорлик, яратувчанлик руҳида камол топган жамият аъзолари фақатгина мамлакат равнақи ва фаровонлиги учун хизмат қилади⁶.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ғуломов К. Амалий санъат . Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма/ К.Ғуломов; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. - Т.: «ЎҚИСОД-МОЛИҲА», 2007. -88 б.
2. Аъзамхўжаева Ш. Истиқболнинг маънавий негизи. Бадий маданиятнинг жамиятга таъсирини кучайтириш воситалари. “Ҳаёт ва қонун” журнали. – Тошкент, 2004. - № 5.
3. Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. –Тошкент: Университет, 2009.
Халқ сўзи. – 2016. – 15 дек.
4. Жакбаров М. Комил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳлил. – Тошкент: Абу Али Ибн Сино нашриёти, 2000.
5. <http://www.mrdi.uz/institut/institut-tarixi/>

⁶ Ғуломов К. Амалий санъат . Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма/ К.Ғуломов; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. - Т.: «ЎҚИСОД-МОЛИҲА», 2007. -88 б.